

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



«СТАДИКЛАЙМАН»

Ректор

А.С.Юлдашев

90

2022 йил

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга
кирувчилар учун кириш имтихонларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги

НИЗОМ

Андижон 2022 йил

Андижон давлат университети
Илмий кенгашининг 2022 йил
кунги -сонли йигилиш
баёнига ИЛОВА

**Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга киравчилар учун кириш
имтихонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги карорига мувофиқ Андижон давлат университетига иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишига кириш имтихонларининг баҳолаш тизимини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2022-2023 ўқув йилида, шунингдек кейинги ўқув йилларида Андижон давлат университетига иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишига қабул қилишда, кириш имтихонларида талабаларнинг билимини баҳолашда қўлланилади.
2. Мазкур Низом фақатгина Андижон давлат университетига(кейинги ўринларда университет деб юритилади) иккинчи олий таълимга кириш имтихонларини топширган талабгорларнинг билимини баҳолашда қўлланилади.
3. Кириш имтихонлари университет ректори томонидан тасдиқланган ишчи комиссия томонидан ўтказилади.

2-боб. Кириш имтихонларининг ўтказилиш тартиби

4. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга кириш имтихонлари университет ректори томонидан тасдиқланган комиссия томонидан, олдиндан тасдиқланган график асосида 15 августдан 25 августга қадар ўтказилади.
5. Кириш имтихонларининг ўтказилиш кунлари университетнинг расмий веб сахифасида эълон қилинади.
6. Кириш имтихонлари маҳсус кузатув камералари билан жихозланган хоналарда ўтказилади.
7. Кириш имтихонлари тест синови шаклида ўтказилади.

2-§. Талабгорлар билимини баҳолаш мезонлари

8. Талабгорларнинг билими қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

Кириш имтихонлари 100 баллик тизимда баҳоланади.

Шундан:

- тегишли мутахассислик фанлари бўйича 2 баллдан 25 та тест саволи учун жами 50 балл;
- талабгорнинг тил билиш даражасини аниқлаш бўйича 2 баллдан 15 тест саволи учун жами 30 балл;
- талабгорнинг IQ сини аниқлаш бўйича 2 баллдан 10 та тест саволи учун жами 20 балл;

9. Имтихон натижалари имтихон ўтказилган куннинг эртасига университетнинг расмий веб саҳифасида эълон қилинади.

10. Имтихон натижаларидан норози бўлган талабгорлар 24 соат ичida appellatsiya komissiyasiga ёзма ариза бериш ҳукуқига эга бўлади. 24 соатдан кейин ёзилган аризалар қабул қилинмайди.

3-боб. Имтихон натижаларини қайд этиш

11. Имтихон натижаларини қайд этиш учун 1-илова бўйича қайднома шакллантирилади.

12. Имтихон натижалари комиссия томонидан қайдномага туширилади ва комиссиянинг барча аъзолари томонидан тасдиқланади.

13. Имтихон натижалари қайд этилган қайдномалар университет архивида 3 йил сакланади.

5-боб. Якуний қоида

14. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга кириш имтихонлари мазкун Низом хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 24 сентябрда тасдиқланган 606-сонли қарори асосида тартибга солинади.

1-илюва

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга кириш имтихонлари

ҚАЙДНОМАСИ

таълим йўналиши,

Таълим шакли _____, Қабул квотаси _____,

№	Талабгорнинг Ф.И.Ш	Мутахассислик фани (50 балл)	Чет тилини билиш даражаси (30 балл)	IQ-тест (20 балл)	Жами балл (100 балл)
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
...					

Комиссия раиси: _____
(Имзо) _____

Ф.И.Ш

Комиссия аъзолари: _____
(Имзо) _____

Ф.И.Ш

_____ (Имзо) _____
Ф.И.Ш